Тошкент оқшоми

2013 ЙИЛ 5 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 216 (12.527)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкентда VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини якунлади.

САНОАТ ЯРМАРКАСИ — ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Унда иштирок этган 1300 дан зиёд корхона ва компаниянинг мингдан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридир. Ушбу корхоналар намойиш этган 13 минг турдан ортиқ маҳсулотнинг икки мингтаси 2012-2013 йилларда ўзлаштирилган янги маҳсулотлар.

Ўзбекистон саноатчиларининг ушбу форуми Президентимиз Ислом Каримов томонидан таркибий туб ўзгаришларни фаол давом эттириш, муҳим тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида ҳар йили ўтказиб келинаётир.

Ўтган давр импорт ўрнини босиш, маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқалари белгиланган вазифаларни ҳал этишнинг самарали воситалари эканини кўрсатди. Ушбу омиллар янги, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳамда ички бозорда товар ва хизматлар барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ҳар йили икки босқичда ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси асосини айнан шу уч таркибий қисм ташкил этади.

Масалан, 2013 йилнинг март-июнь ойларида ўтказилган Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркалари бўлиб ўтди. Улар билан бир майдонда ташкил қилинган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ярмаркаларида 3 мингдан ортиқ корхона иштирок этди. Уларнинг 1800 таси халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради. Иштирокчилар стендларида турли саноат тармоқлари учун мўлжалланган 16 мингга яқин маҳсулот намойиш этилди. Биринчи босқич давомида саноат кооперацияси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида жами қиймати 446,4 миллиард сўмлик хўжалик шартномалари тузилди. Шунинг 22,2 фоизини истеъмол товарларини етказиб бериш бўйича шартномалар ташкил этади. Экспорт шартномалари ҳажми эса 224,9 миллион долларни ташкил қилди.

Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг бу галги кузги босқичида муҳим саноат тармоқларининг улкан салоҳият ва имкониятлари, ишлаб чиқариш янгиликлари ҳамда турли маҳсулотлар намойиш этилди. Мамлакатимиз саноат комплексининг етакчи корхоналари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича тақдим этди. Коммунал хўжалик, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати, машинасозлик, маҳсулотни стандартлаштириш, геология, кимё, электр техника, нефть-кимё, металлургия саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар каби соҳалар корхоналари кенг таништирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида халқаро кооперацияни изчил ривожлантириш зарурлиги қайд этилган. Бу галги еттинчи Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини 87 минг нафардан зиёд киши келиб кўрди. Германия, Италия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Украина, Россия, Туркия каби дунёнинг 55 мамлакатидаги компания ва фирмаларнинг бир минг юз нафарга яқин вакили қатнашди.

Корхона ва ташкилотлар стендларида айни пайтда импорт қилинаётган маҳсулотлар, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар намойиш қилинди.

Масалан, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, кимёвий тола ва ип, синтетик елим, полимер буюмлар, олтин қазиб олувчи корхоналар учун реагентлар, гигиена ва косметика буюмлари ҳамда бошқа кимё маҳсулотларини тақдим этди.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Раҳмат Ўсаровнинг сўзларига кўра, ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар ҳажми 138,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 154 миллиард сўмдан ошган. Саноат форумида қатнашиш натижасида 2013 йилда бир неча турдаги ўғит, пластмасса найчалар, эпоксид елим, метилацетат (эритма), гиппер прессланган ғишт каби саккизта янги маҳсулот ўзлаштирилган.

Ўзбекистон ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати экспозицияси ҳам эътиборга лойиқ бўлди. Ушбу маҳсулотлар сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш, хомашёдан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини ҳал этаётир. Ёғ-мой корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг кенг турдаги маҳсулотлари намойиш этилди. «Агромир-Самарқанд», «Мастер Глобал Плюс», «Сиёб саховати» масъулияти чекланган жамиятлари, «Асака-ёғ», «Учқўрғон-ёғ» очиқ акциядорлик жамиятлари ва бошқалар шулар жумласидан.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Шаҳобиддин Ортиқовнинг таъкидлашича, 2013-2015 йилларда соҳада йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Мисол учун, Самарқанд вилоятида сутни қайта ишлаш комплекси барпо этиш, Хоразм вилоятида крахмал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Тошкент вилоятида солод ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, «Ангрен» махсус индустриал зонасида шакар заводини ташкил қилиш режалаштирилаётир.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг етмишдан ортиқ корхонаси стенди ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар эътиборига кундалик ва махсус пойабзаллар, спорт инвентарлари, аёллар сумкаси ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳавола этилди.

– Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида чарм ва пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарининг иштирок этиши ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин ошириш ва маҳсулот турларини кенгайтириш имконини бермоқда, – дейди «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг ишлаб чиқариш-савдо бошқармаси бош мутахассиси Шуҳрат Алиев. – Масалан, ўтган йили соҳа корхоналари томонидан қиймати 21,6 миллиард сўмдан зиёд хўжалик шартномалари ва 50,9 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич анча кўпайди.

(Давоми 2-бетда)

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида «World Travel Market – 2013» халқаро туризм кўргазмаси бошланди. Унда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳам кенг намойиш этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЛОНДОНДАГИ НАМОЙИШИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жаҳон сайёҳларининг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган замонавий шарт-шароитлар яратилиб, саёҳат йўналишлари кенгайтирилмоқда. Юртимиздаги дунёга машҳур қадимий обидалар, қадамжолар, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар, гўзал табиий гўшалар, ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ўзбекона меҳмондўстлик мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар самарасида миллий туристик хизматларимиз халқаро сайёҳлик бозорларидан кенг жой олмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга кенг танитиш мақсадида халқаро фирма ва компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Турли давлатларда ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда.

«World Travel Market – 2013» халқаро туризм кўргазмаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини янада кенгроқ намойиш этиш учун яна бир яхши имкониятдир.

1980 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли кўргазма сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини қамраб олган. Унда дунёнинг энг йирик фирма ва компаниялари, машҳур туроператорлар иштирок этади. Бу йилги анжуманда икки юзга яқин мамлакатдан қарийб беш ярим минг компания, йигирма уч мингдан зиёд соҳа вакиллари қатнашмоқда. Спорт, элита, экстремал ва фаол туризм, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, инновациялар ва замонавий технологиялар, он-лайн саёҳат, авиаташув каби йўналишлар бўйича сайёҳлик хизматлари намойиш этилмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, шарқона дизайн, миллий матолар ва атрибутлар билан безатилган «Ўзбекистон» стенди кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборини тортмоқда. Мамлакатимиздаги тарихий обидалар, халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари акс эттирилган, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент каби қадимий ва навқирон шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларига оид ранг-баранг маълумотлар ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

«World Travel Market – 2013» халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимизнинг «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» каби компаниялари иштирок этаётир.

Ушбу халқаро кўргазма жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туризм ривожининг замонавий тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида экология ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Амударё туманининг «Бўстон» овул фуқаролар йиғини ҳудудида «Амударё-метан» масъулияти чекланган жамияти томонидан автомобилларга метан-газ қуйиш шохобчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хориждан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган шохобча соатига 1,5 минг кубометр газни автомобилларга қуйиш қувватига эга.

● Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган хайрия акциясида аҳолига ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига 49 миллион 376 минг сўмлик дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, озиқ-овқат ва кийим-кечаклар топширилди.

● Жиззах вилоятидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларида 175 Е-ХАТ ягона ҳимояланган электрон почтаси ва 2500 «e-Hujjat» электрон ҳужжат айланиш тизими жорий қилинди. Бу тизимда ишлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ижроия идоралари учун иш жойидан ажралмаган ҳолда фойдаланиш имконияти яратилди.

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмиталари ҳамкорлигида «Оилавий бизнесни ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзусида семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Ўтган ҳафтада Португалия парламенти келгуси йилда давлат харажатларини қисқартиришни назарда тутувчи бюджет лойиҳасини тасдиқлади. Европа Иттифоқи, Европа марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси томонидан мамлакатга 78 миллиард евро миқдорида молиявий ёрдам ажратилиши муносабати билан қўйилган шартга мувофиқ, Португалия ҳукумати 2011 йилдан буён қатъий иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда. Ана шу жараён 2014 йилда ҳам давом эттирилади.

● Якшанба куни дунёнинг бир қатор давлатларида Қуёшнинг икки хил тутилиш ҳолати кузатилди. Яъни ҳам ҳалқасимон, ҳам тўлиқ Қуёш тутилиши қайд этилди. АҚШ, Лотин Америкаси, Жанубий Европа ва Яқин Шарқ ҳудудидаги мамлакатлар фуқаролари ҳалқасимон кўринишга гувоҳ бўлдилар.

● Аҳолисининг ортиқча вазн ҳамда семизликка чалиниш ҳолати бўйича Мексика дунёда олдинги ўринларда туради. Шу боис ҳам мамлакат ҳукумати фуқаролар соғлиғини асраб-авайлаш мақсадида қатор чора-тадбирларни қўлламоқда. Жумладан, Мексика парламенти тўйимли таомлар ҳамда газланган ширин ичимликлар учун қўшимча солиқ солиш таклифини маъқуллади. Эндиликда ҳар 100 грамм маҳсулот таркибида 275 ва ундан ортиқ миқдорда килокалория бўлганда, саккиз фоизлик солиқ олинади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг тўққиз ойлик фаолиятига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида агентликнинг ҳудудий бўлимлари ва ташкилий тузилмаларида қатор ишлар бажарилганлиги ҳам таъкидланди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Фуқаролик назорати механизмини шакллантириш, очиқлик ва ошкоралик» мавзуидаги матбуот анжумани Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши томонидан уюштирилди.

✓ **БУГУН** Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Ватаним остонаси маҳалламдан бошланади» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВЛАР — ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини оширишга, маҳаллани ривожлантиришга, унинг роли ва ваколатларини кенгайтиришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда маҳаллани фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ҳақиқий институтига айлантириш учун барча зарур шарт-шароит яратилди. Хусусан, давлатчилигимиз тарихида «маҳалла» тушунчаси илк маротаба мамлакатимизнинг Бош қомусига киритилиб, конституциявий мақомга эга бўлди, маҳалла институтининг нуфузини янада оширишга қаратилган 50 дан ортиқ қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, давлат ҳокимияти идоралари ваколатига кирган ўттиздан ортиқ вазифа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига ўтказилди.

Шуларга мос равишда 2012 йил 9 июлда давлатимиз раҳбарининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва шу йил 24 июлда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонларининг қабул қилиниши ҳам соҳа ходимларининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшаётган салмоқли ҳиссасига берилган муносиб баҳо бўлди.

Натижада бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқчил ва ўзини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида давлатимизнинг, ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла ўтган давр ичида ўзига хос шарқона бошқарув идораси сифатида ўзини намоён этиб, аҳоли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш маркази сифатида шаклланди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш вазифаси илгари сурилди. Шу асосда жорий йилнинг 22 апрель санасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартишлар киритилиб, янги таҳрирда қабул қилиниши маҳалла фаолиятини модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу қонунлар маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга ҳамда унинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ролини тобора кучайтиришга хизмат қилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши, энг аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини такомиллаштиришга, раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлашга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда ҳамда ошкоралиқни оширишга хизмат қилди.

Зеро, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида мустаҳкамланган жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим шаклларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, бугунги кунга келиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги асосий вазифаларнинг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказилган шароитда ушбу институтнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунга келиб, фуқаролар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ўз номзодини кўрсатиш орқали ёки ўзи ишонган вакилни сайлаш орқали иштирок этиши билан жамият ишларини, шу жумладан, ўзи истиқомат қиладиган худуд доирасида маҳалла ишини бошқаришга бевосита жалб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуни эса, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларини янада самаралироқ таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, ушбу Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишдаги ваколатлари кенгайтирилиб, Олий Мажлис Сенати Кенгашида Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ташкил қилиниши белгиланди, шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашига сайловларни ўтказишнинг аниқ муддатини ва сайловларга тайёргарлик кўриш тадбирларини ўтказиш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис Сенати Кенгашига оид мазкур ваколатларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиради, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш жараёнида парламентнинг ролини кучайтиради.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши белгиланди ҳамда бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаётганлиги маълум қилинди. Айни дамда ушбу сайловлар Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунига асосан, яъни янгича демократик ва илғор қоидалар асосида амалга оширилиши, республикамиздаги энг кўп сайловчилар аудиториясини қамраб олиши, сайловда қатнашувчи номзодлар сони ҳам ўзига хослиги билан аҳамиятли бўлиб, ушбу сайловлар мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб бормоқда.

Қонунда, шунингдек, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳини шакллантириш фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билангина амалга оширилиши, уларнинг таркибига тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши депутатлари киритилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, ишчи гуруҳга аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси вазифасига муносиб номзодларни илгари суриш ҳуқуқи берилмоқда.

Қонунга биноан, фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларга қўшимча талаблар белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқиш қилиб, келажакдаги ўз фаолияти дастурини эълон қилиши керак. Қонун фуқаролар йиғинлари сайловларининг очиқлигини, шаффофлигини ва адолатлилигини таъминлаши шубҳасиз. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганидан далолатдир.

Хулоса ўрнида айтганда, соҳа қонунчилигининг такомиллашуви фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда фуқароларнинг иштироки билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратишга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишини таъминлашга ҳамда сайловга ошкоралик, муқобиллик ва теңлик тамойиллари асосида ҳозиргидек кўрилиши ҳамда ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади. Айни чоғда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, ошкоралик шароитида, фуқароларнинг юксак фаоллиги остида ўтиши, аҳолининг кенг қатламлари учун чинакам демократия мактаби бўлиб қолиши учун барчамиз масъулмиз.

Джаҳонгир САФАРОВ,
Улуғбек ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходимлари, юридик фанлар номзодлари

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎЛИҚ КАФОЛАТЛАНГАН

Конституциямизнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ғоявий-тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлиб, у ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, ўзаро дўст – биродарлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, Асосий Қонунимизда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари мужассамлашгани ҳам унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Унда жамиятнинг барча қатламлари сингари ёшларнинг ҳам барча турдаги шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлаб қўйилган.

Шунингдек, Конституциянинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб таъкидланади. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигига биноан ҳам ота-оналар, ҳомийлар ва васийлар болаларнинг, тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларнинг қонуний вакили ҳисобланади. Муомала лаёқати, яъни фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни бажариш лаёқати у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач, тўла ҳажмда вужудга келади.

Конституциямизнинг 65-моддасига биноан эса фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсонпарварлик моҳияти шунда намоён бўладики, мазкур асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда жамиятнинг асосий бўғини сифатида оилага катта эътибор берилган ва бу мавзуга алоҳида боб ҳам ажратилган. Унда оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади.

Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ва кафолатланган деярли барча ҳуқуқ ва эркинликлар ёшлар учундир. Зеро, ёш авлодни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан асраб-авайлаш, уларни билимли қилиб тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш давлатимиз ўз олдига қўйган юксак вазифалардан бири ҳисобланади. Ёшлар ҳам жамиятнинг бошқа вакиллари қатори фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадирлар (ЎзР Конституциясининг 29-моддаси). Конституциянинг 31-моддасига мувофиқ улар учун ҳам виждон эркинлиги тўла кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида эса билим олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. Шахснинг билим олишга бўлган ҳуқуқи Конституция асосида қабул қилинган бир қатор қонунларда, шу жумладан, 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Ёшлар ўз салоҳиятларидан эркин фойдаланишга, ўз иқтидор ва истеъдодларини тўла намоён этишга ҳақлидирлар. Уларга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси). Қонун билан белгиланган ёшга етгач, уларнинг сиёсий ҳуқуқлари доираси янада кенгаяди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ёшларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалардаги ҳуқуқлари Конституция асосида қабул қилинган кўп сонли махсус қонунлар билан ҳам таъминланади. Таълим тўғрисида, тадбиркорлик, меҳнатга оид қонунлар, жамоат бирлашмалари, виждон эркинлиги, жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Бу қонунлар ёшларимизга нафақат бошқалар билан тенг ҳуқуқли бўлишни таъминлайди, балки кўпгина имтиёзлар ва қўшимча кафолатларни ҳам белгилаб берган.

Лекин, ёшлар ҳам Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган бурч ва мажбуриятларни бажаришлари лозим. Унга кўра, ёшлар ҳам Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, шунингдек, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбурдирлар. Ёшлар ҳам атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари шарт. Конституциямизнинг 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Конституцияда ёшларга ҳам тегишли бўлган бурчларнинг мавжудлиги уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари доирасининг кенглигини инкор эта олмайди. Асосий Қонунимизда ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларининг бундай кенг қамровда кўрсатилиши давлатимизнинг ёш авлодга яратиб берган улкан имкониятларидан далолатдир. Бугунги ўзбек ёшларидан эса фақатгина аъло ўқиш, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этиш талаб этилади, холос. Президентимиз иборалари билан айтганда, токи унибўсиб келаётган ёш авлод Конституциянинг маъно-мазмунини, унинг истиқлол йилларида эришилган улкан тарихий ютуқ эканлигини англаб етсин. Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканлигини ҳис этиб яшасин.

Шаҳбоз ШУКУРОВ,
Юнусобод тумани прокуратураси терговчиси, 3-даражали юрист

Асқар Екубов (ЎзА) олган суратлар

САНОАТ ЯРМАРКАСИ — ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида ҳудудий корхоналар салоҳияти ҳам кенг намойиш этилди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Наманган, Тошкент, Сирдарё вилоятлари стендлари бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

Масалан, Самарқанд вилоятидаги «Мароқанд-МСМ» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси нефть-газ саноати ва коммунал хўжалик корхоналарига ўз маҳсулотларини етказиб беришни таклиф қилди. Корхона директори Бўрибой Бердиевнинг айтишича, корхонада маҳаллийлаштириш дастури доирасида ёнувчи газ сирқиб чиқишини аниқлаш сигнализаторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида йирик нефтни қайта ишлаш корхоналари билан ушбу маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Форум доирасида бўлиб ўтган тармоқ ва корхоналарнинг 76 марказлаштирилган тақдимот маросимида уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари намойиш этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳар бир ҳудуд тақдимоти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур тақдимотлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш имконини берди. Ишлаб чиқариш-техник йўналишидаги бутловчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш ёки харид қилиш бўйича шартномалар тузилди. Боз устига, мамлакатимиз истеъмолчилари буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материалларни қўшимча тендер савдоларисиз тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олиш имконига эга бўлди.

Барча тадбирлар мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, суғурта компаниялари, банклар, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасига ихтисослаштирилган ташкилотлар мутахассислари иштирокида ўтказилди ва улар ўзининг малакали маслаҳат хизматларини кўрсатди. Ярмарка ва биржа иштирокчилари, ушбу тадбирга ташриф буюрганлар бир-бирига яқин ишлаб чиқаришлар эҳтиёжини баҳолаб, шу асосда маҳсулот етказиб бериш, хусусан, экспорт қилиш учун буюртмалар портфелини шакллантириш имконига эга бўлди. Мисол учун, 2012 йилда қиймати қарийб 5 триллион сўмлик маҳсулот харид қилиш учун шартномалар тузилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 1,24 мартага ошган. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга сотиш бўйича тузилган шартномалар ҳажми ўтган йили 5,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунлари бўйича бу кўрсаткич 22 фоизга ошди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунлари, ҳудудий ва тармоқлараро саноат ярмаркаларининг юксак самаралари мамлакатимиз корхоналари ўртасидаги кооперация алоқалари йилдан-йилга кенгайиб, янги мазмун-моҳият билан бойиб бораётганидан далолат беради. Хўжалик шартномалари, шу жумладан, экспорт шартномалари ҳажми ҳам ошиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг йирик саноат комплекслари вакиллари билан ҳамкорлиги кенгаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизни янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, натижада йилдан йилга янги иш ўринлари яратилиб келинаётгани қувонарли. Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни малакали мутахассис, Ватанга садоқатли шахс этиб вояга етказишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимиздаги касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш, таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинишида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга бағишланган тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Миробод туман ҳокимлигида ўтказилди. Тадбирда туман солиқ инспекцияси, туман прокуратураси, ички ишлар ходимлари, туманда фаолият олиб бораётган корхона мутасаддилари, битирувчилар ва ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирда тумандаги касб-ҳунар коллеж битирувчилари, муассаса вакиллари қатнашишди.

— Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришда ҳам аниқ ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, шу кунгача янги иш ўринлари ташкил этиб келинмоқда, — дейди Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи ижтимоий фанлар кафедраси мудири Сабоҳат Камилова. — Коллежимизда талабалар бухгалтерия, молия, автомобиль тузатиш, кийим-лойиҳалаш ва моделлаштириш ва бошқа йўналишларида таҳсил олишади. Гуруҳимиздаги 25 нафар битирувчидан 15 нафари ишга жойлашган. Мазкур тадбир давомида 2 нафар ўқувчимиз иш билан таъминланиши келишиб олинди.

Юртимизда инсон манфаатлари устунлиги, мутахассис кадрлар салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ: бурч ва масъулият

Қишнинг изғиринли кунларида одамларнинг саломатлиги, меҳнат самарадорлиги кўп жиҳатдан уйлар, иш жойлари, таълим ва тиббиёт муассасаларининг иссиқлик билан қай даражада таъминланишига боғлиқ. Шу кунларда мамлакатимизда қишки иситиш мавсумига ҳозирлик ишлари якунланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 5 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида коммунал хўжалик, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа тегишли тармоқлар раҳбар ҳамда мутахассислари зиммасига тизимдаги ишларни талаб даражасида йўлга қўйиш, истеъмолчиларга куз-қиш мавсумида узлуксиз ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш борасида катта масъулият юкланган.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарорини амалга ошириш доирасида туманда қозонхоналар, иситиш қозонлари, иссиқлик трассаларини капитал ҳамда жорий таъмирлашга алоҳида эътибор берилди. Куз-қиш мавсуми олдидан барча иситиш тизимлари юқори босим остида тўлиқ текширувдан ўтказилмоқда.

Юнусобод тумани ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра мутасадди корхона ва ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ҳозирги кунга қадар 36 кўп қаватли уйнинг муҳандислик тизими, ўнга яқинининг фасад қисми, 1 минг 500 зиёд йўлаклар, 95 уйнинг томи таъмирланди. Шунингдек, 1050 кўп қаватли уйнинг иссиқлик тизими босим остида ювилди. Иссиқлик энергиясининг талаб даражасида узлуксиз етказилишини таъминлаш мақсадида иссиқлик бўғинларига 1032 торайтирувчи мослама ўрнатилди.

Коммунал соҳа ва санитария аҳволини яхшилаш нафақат кўп қаватли уйларга яхши хизмат кўрсатиш ва уларни самарали бошқариш, балки турар жой даҳалари ҳудудларини ободонлаштиришга ҳам боғлиқдир. Жорий йил бошидан буён еттита намунали маҳаллада туман ҳокимлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда кўп қаватли уйнинг олд томони ва 10 мингта подъезд таъмирланди. Подъездларга 1,689 дан ортиқ кодли қулф ўрнатилди, 106 болалар майдончаси таъмирланиб, яна 37 та ўйин майдончалари ва 1800 автомобилга мўлжалланган усти очиқ автомобиллар турар жойи барпо этилди.

Ташкилотлар ва муассасалар томонидан коммунал тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини барқарор етказиб беришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли туманда тўловларнинг ўз вақтида тўланиши ва қарздорликни бартараф этиш, истеъмолчиларга иссиқ сув ҳамда иссиқлик энергиясини доимий етказиб бериш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ) асосан кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳолини ўз маблағи ҳисобидан бу уйларга биргаликда хизмат кўрсатишга жалб қилиш орқали бошқариш, сақлаш ва таъмирлаш билан шуғулланмоқда.

– Ширкатимиз тумандаги энг намунали ширкатлардан бири, – дейди «Юнус ота» маҳалласидаги «Ҳашар» ХУМШ директори Ўлмасхон Газатўраева. – Айни пайтда бешта кўп қаватли уй, 310 квартирага хизмат кўрсатамиз. «Ипотекабанк»дан олинган 8 миллион сўмдан зиёд кредит ва аҳоли тўловлари эвазига томлар тўлиқ таъмирланди, 10 йўлак таъмирланиб, подъездларга темир эшиклар ўрнатилди. Ободонлаштириш ишлари давом эттирилиб, иккита кўп қаватли уй ёнида болалар майдончаси ва оталар чойхонаси қурилди.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тумандаги «Юксак коммунал сервис» уй-жой мулкдорлар ширкати ҳам намунали фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда ширкат тўртта кўп қаватли хонадонда яшовчи 265 хонадон эгалари билан шартнома тузган. Аҳоли томонидан томдан чакка ўтиши борасида кўплаб мурожаатлар бўлгани боис, ҳозирда барча томларнинг усти замонавий том ёпқичлар билан қопланган бўлиб, камида 10-15 йиллик кафолати бор.

— Тоза, озода ва тартиб бор жойда яшаш кишига ҳузур-ҳаловат бахш этади, – дейди 43-уйдаги 52-хонадонда яшовчи Равшан Рўзиметов. – Уйимиз мисолида шуни айтишим мумкинки, бизга хизмат кўрсатаётган ХУМШ бу ердаги тозаликни сақлаш, ободонлаштириш ишларига доимий эътибор қаратиб келади. Шу сабабли уйимиз атрофидаги ҳудуд доимо озода, том ва ертўла таъмирланган, подъездларга янги эшиклар ўрнатилган. Хонадон эгалари эса, ўз навбатида, бунинг учун миннатдорлик сифатида умумий мулкни кўз қорачиғидек асрашга ҳаракат қилаётир. Зеро, нафақат уйимизнинг ташқи кўриниши, балки пойтахтимизнинг қиёфаси ҳам шунга боғлиқ.

Кўп хонадонли баъзи уйлардаги лифтлар ишламаётгани, йўлакларнинг фақат биринчи қаватигина таъмирланаётгани, томдан чакки ўтиши, иситиш тизими ёмон ишлаётгани, ертўлаларда эски қувурлардан сув оқиб ётиши, уй-жой массивлари олдидаги дарахтларга шакл ва ишлов берилмаётгани, болалар майдончалари йўқлигига эътибор бермайдиган ва аҳолининг мурожаатларини қаноатлантирмайдиган ширкатлар ҳам йўқ эмас. Лекин ХУМШнинг муваффақиятли фаолият юритиши нафақат маҳаллий давлат бошқарув органлари ёки уддабурон раисга, балки фуқароларнинг ташаббускорлиги, фаол иштироки, ўзлари яшаётган уйнинг обод, озода ва ҳар томонлама қулай бўлиши учун интилишига ҳам боғлиқдир.

Туманда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ширкатлардан яна бири – Тинчлик маҳалласида жойлашган «Бешёғоч Коммунал Сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатида бўлдик. Бу ширкат ёнма-ён жойлашган икки беш қаватли уй базасида ташкил қилинган. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг ширкат ишларига кенг жалб этилгани ва фаол иштирок этаётгани, шунингдек, унинг раиси қўллаб-қувватланаётгани туфайли тумандаги энг намунали ширкатлардан бирига айланди.

– Бу уйлар нисбатан янги бўлишига қарамай, ўзига яраша муаммолар мавжуд эди, – дейди ширкат раиси Соҳиба Ёқубова. – Илгари бадаллар ойма-ой тўланса-да, унинг самараси кўринмас эди. Болаларнинг ўйнаши учун жой йўқлиги сабабли улар подъездларда ўйнарди. Эндиликда йўлакларга кодли темир эшиклар ўрнатилган. Ойналар бутун. Ҳовлидаги гаражларнинг ҳаммасини олиб ташладик. Ўрнига автотураргоҳ ва болалар майдончаси қуриш ишларини бошладик. Уйлар атрофидаги ҳудудлар ободонлаштирилди, дарахтлар экилди, майсазор барпо этилди. Бугун уйимиз олдидаги ҳудудни кўрган кишининг баҳри дили очилади.

– Илгари уйимиз атрофида чиқит ва эски-туски нарсалар уйилиб ётарди, – дейди 48-уйда истиқомат қилувчи Раъно Маликова. – Уларни ўз кучимиз билан олиб ташладик ва ҳудудларни тозаладик. Қўриқланадиган чиқинди тўплаш майдончаси қурилди. Илгари уйимизнинг ертўласига тушишга қўрқардик, негаки, у ерда ҳар доим сув, чиқит тўпланиб ётарди, тешилган қувурлар ҳар хил нарсалар билан «ямалган» ва жудаям қоронғи эди. Ҳозир катта ертўла тозаланиб, электр ўтказилди.

Бу хайрли ишларнинг барчаси шу ерда яшайдиган аҳолининг истаги ва фаол иштироки билан амалга оширилди. Ширкатда аҳоли умумий мулкни саранжом-саришта сақлаш билан бирга, муайян ишларни амалга ошириш учун ихтиёрий мақсадли бадаллар ҳам тўлайди. Бадаллар миқдорини белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўзлари муҳокама қилади ва тасдиқлайди. Одамларнинг фикрича, уй-жой мулкдорлари ширкатининг энг катта ютуғи – бу уларнинг ўз уйининг аҳволини яхшилаш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганидир. Бу ерда яшайдиган ҳар бир одам умумий иш учун дахлдорлигини ҳис қилади. Тўловларнинг деярли 100 фоиз тўпланаётгани ҳам уларнинг ўзлари истиқомат қилаётган уйга муносабати ўзгарганидан далолат беради. Масалан, подъездлар, лифтлар ва атрофдаги ҳудудларни тозалашда барча иштирок этади.

Бир сўз билан, туманда куз-қиш даврини хотиржам ўтказишни таъминлаш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Ҳилола ВОҲИДОВА

Елкин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид Қарори ижроси юзасидан пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

КАМЧИЛИКЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ...

Қарорга асосан туманда махсус дастур ишлаб чиқилиб, тегишли соҳалар мутахассислари ўтган қиш мавсумида кузатилган камчиликларни инобатга олган ҳолда ҳудуддаги барча уй-жойлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлигини синчиклаб ўрганди.

Айни пайтда туманда 329 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 1142 кўп қаватли уйга хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 25 махсус бошқарув компаниялари фаолият юритмоқда. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш, мазкур инфратузилмани янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилда яна 8 бошқарув компанияси ташкил этилиб, барчасида диспетчерлик хизмати йўлга қўйилди.

— Туманимиздаги махсус бошқарув компаниялари томонидан қишга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилди, – дейди Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари Сайфулла Аҳмедов. – Бунда ижтимоий инфратузилма объектларидаги иссиқлик ва газ тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунга қадар тумандаги 7 поликлиника, 30 мактаб, 53 мактабгача таълим муассасасида ички ва ташқи иситиш тизимлари жорий таъмирланди. 639 кўп қаватли уйнинг том қисми таъмирланди. Режага мувофиқ яна 112 уйда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Кўп қаватли уйлардаги ичимлик сув тармоқлари, электр тақсимлагичлар, лифт кабиналари, кириш йўлаклари, ертўлалардаги ёриткичлар созланди. 23 кўп қаватли уй йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди.

Айни вақтда туманда 43 иситиш қозони жорий таъмирдан чиқарилиб, тайёр ҳолатга келтирилди. 3,8 километр иссиқлик, 127 газ тақсимлаш пунктидаги камчиликлар аниқланиб, бартараф этилди. Электр энергияси таъминоти бўйича ҳам ўтган йилги носозликлардан хулоса чиқарилган ҳолда зарур чора-тадбирлар белгиланди. Бунинг самарасида 42 трансформатор тўла, 72 тасини жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Обод турмуш йилида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Чилонзор туманида ҳам қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун олиб борилаётган бундай изчил чора-тадбирлар совуқ об-ҳаво шароитида коммунал тармоқларнинг барқарор ишлашини таъминлабгина қолмай, аҳолининг ҳаётини янада фаровон этишга хизмат қилади.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзА мухбири

МАҚСАД — АТРОФ-МУҲИТ САРИШТАЛИГИГА ЭРИШИШ

Аҳоли турар жойлари, маҳалла гузарларининг ҳар томонлама обод ва саранжом саришта бўлиши шу куннинг асосий талабларидан биридир. Бу эса ўз навбатида жойлардаги бошқа ташкилотлар қатори «Махсустранс» автокорхонаси жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Жумладан, Бектемир туман «Махсустранс» автокорхонаси жамоаси ҳам ҳудуддаги маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетган ҳолда атроф-муҳитнинг мусаффолигига эришишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Шу мақсадда 33 минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган ҳудудда 22 та чиқинди йиғиш майдончалари ғин олиб борилмоқда. Жумладан, ишчи-хизматчиларни қишки ишчи коржомалари билан таъминлаш, таъмирга муҳтож майдончаларни жорий таъмирдан чиқариш, қўшимча равишда ишга туширилиши мўлжалланаётган чиқинди йиғиш майдончаларида мавсумга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга,

ташкил этилган, — дейди биз билан суҳбатда мазкур туман «Махсустранс» автокорхонаси раҳбари Шавкат Файзиев. — Шу мақсадлар учун автокорхонамиз тасарруфидаги 8 та сўнгги русумдаги автоуловлар жалб этилган. Мазкур автоуловлар биргина аҳоли турар жойларига хизмат кўрсатибгина қолмай, ҳудуддаги 380 га яқин турли мулк шаклидаги корхоналарга ҳам намунали хизмат қилмоқда.

Айни пайтда корхона тасарруфидаги чиқинди йиғиш майдончаларини қиш мавсумига тайёрлаш ишлари қизмаҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари билан ҳамкорликда тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида жойларда «сайёр касса»лар ташкил этилмоқда.

Ўйлаймизки, амалга оширилаётган бу ишларнинг барчаси атроф-муҳитнингг янада мусаффо бўлиши, саранжом-саришталигига, қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўришга замин яратади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: автокорхона ходимлари навбатдаги иш режаси юзасидан ўзаро маслаҳатлашишмоқда

2013 йил — Обод турмуш йили

ЙИЛ САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, амалга оширилаётган хайрли ва эзгу ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раҳбар ва ижро аппарати ходимлари, минтақавий ташкилотларнинг тажрибали мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раиси профессор Ҳ.Ёқубов жамиятнинг фаолияти ва вазифалари хусусида маъруза қилди.

Мазкур жамият жаҳондаги энг нуфузли гуманитар ташкилот ҳисобланиб, унинг ташкил топганига 150 йил тўлди. Ушбу сана халқаро миқёсда ва юртимизда кенг нишонланди.

Жамият ўз олдига давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларига гуманитар ва ижтимоий соҳаларда ёрдам кўрсатишни асосий мақсад қилиб олган.

Жумладан, ёрдамга муҳтож фуқароларга кўмак бериш, халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳақидаги билимларни янада ошириш ва тарғиб қилиш, турли табиий, экологик офатлар, техноген фалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларда хайрия ёрдамини кўрсатиш каби вазифалар ҳам қамраб олинган.

Дарҳақиқат, ЎҚЯО жамиятининг асосий вазифаларидан бири аҳолининг муҳтож қисмига тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш, беғараз донорликни кишилар орасида кенг тарғиб қилиш, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш, Халқаро қидирув хизмати самарадорлигини янада ошириш, Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи билимларини тарқатишдан иборатдир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ҚЯО жамиятининг моддий-техник базаси тубдан ўзгарди. Бугунги кунда замонавий техник жиҳозлар билан жиҳозланган республика марказий офиси фаолият юритмоқда. 1996 йилда «Инсонийлик» ўқув услубий марказининг биноси қуриб битказилди. Ҳозирда ушбу марказ фаоллар ва кўнгиллиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаолият юритмоқда.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида жамият томонидан 2102 нафар кам таъминланган ва ўзгалар қарамоғига муҳтож кекса ногирон фуқароларга, жами 103 млн. 790 минг сўм миқдорида моддий ёрдам, кийим-кечаклар, озиқ-овқат тўпламлари, дори-дармон тарқатдилар.

Жорий йилда беғараз донорликни тарғиб этиш борасида ҳам кенг кўламли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва Бухоро, Фарғона, Сирдарё вилоятларида замонавий жиҳозлар билан таъминланган тиббий марказларда муҳтож фуқароларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти бугунги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш борасида етакчилик қилиб келмоқда. Шу билан бирга уларнинг саломатликларини тиклаш, турмуш тарзини яхшилаш ва фаровон ҳаёт кечиришига яқиндан кўмаклашмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

XXI асрда инсониятга хавф солаётган глобал иллатлардан бири гиёҳвандлик десак хато бўлмайди.

1998 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг июнь ойидаги сессиясида гиёҳвандлик XXI аср вабоси дея эътироф этилди. Бу бежиз эмас, чунки ҳозирги кунда кўплаб инсонлар унинг қурбонига айланишмоқда. Энг ачинарлиси уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Бутун дунёда ушбу иллатга қарши кураш кетмоқда.

Юртимизда келажак авлодни ҳар томонлама етук қилиб шакллантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ёшларни турли хил иллатлардан, ёт ғоя ва мафкуралардан асраш бугунги кун талабидир.

Айни шу мақсадга йўналтирилган тадбирлардан бири «Камолот» ЁИҲ Олмазор туман Кенгаши томонидан аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокори иштирок этган тадбирда ўқувчиларга наркотик моддаларнинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот берилди.

Бу каби тадбирлар йил давомида «Камолот» ЁИҲ Олмазор туман Кенгаши Тошкент шаҳар наркология диспансери билан ҳамкорликда туманда жойлашган маҳаллаларда, таълим муассасаларида ўтказилиши режалаштирилган.

Бобур ЭСОНОВ,
ЎзМУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЧЖ шаклидаги «BF TEXTILE PRODUKTION» хорижий корхонасининг устав фонди 29 900 496,77 АҚШ доллари миқдоридан 28 891 880,38 АҚШ доллари миқдорига камайтирилди.

Хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида МЧЖ шаклидаги «BF TEXTILE PRODUKTION» хорижий корхонаси кредиторлари, 100142, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй манзили бўйича ёки (8 371) 261-53-15 телефонига мурожаат қилиши мумкин.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Мамлакатимиз спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида ғолиб ва совриндорлар қаторидан мунтазам ўрин олиб келаётгани ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга ҳисса қўшаётгани барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Шу йилнинг 20-27 октябрь кунлари Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида истеъдодли полвонларимиз – Руслан Нурудинов ва Улуғбек Алимов ғалабалари муносабати билан Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашган 59 давлат орасида умумжамоа ҳисобида кучли тўртликдан жой олди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларимиз эл-юрт ардоғида, уларни муносиб рағбатлантириш доимий эътиборда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 30 октябрдаги фармонига мувофиқ жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Руслан Нурудинов «Ўзбекистон ифтихори», Улуғбек Алимов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида 1 ноябрь куни жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорларига Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани, бундай юксак эътибор самарасида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчилар вояга етаётгани алоҳида таъкидланди.

Польшанинг Вроцлав шаҳри мезбонлик қилган 80-жаҳон чемпионатида дунёнинг 300 нафардан зиёд энг кучли оғир атлетикачиси ғолиблик учун куч синашди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг чемпионатга пухта тайёрланиши ва беллашувларда муносиб қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори муҳим дастуруламал бўлди.

Мусобақанинг 105 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларида ўн етти мамлакатдан йигирмадан зиёд оғир атлетикачи ўзаро рақобатлашди. Чемпионлик учун кураш асосан уч спортчи – икки карра Осиё чемпиони ва Жаҳон универсиадаси ғолиби Руслан Нурудинов, россиялик жаҳон рекордчиси Давид Беджанян ва Лондон Олимпиадаси совриндори, польшалик Бартломей Войцех Бонк ўртасида кечди.

Ўзбек полвони штангани даст кўтаришда 190, силтаб кўтаришда 235 ва иккикураш натижасига кўра жами 425 килограмм натижа қайд этиб, умумий кўрсаткич бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Истиқлол тенгдоши Руслан Нурудинов оғир атлетикачиларимиз ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган биринчи спортчи сифатида мамлакатимиз спорти тарихидан жой олди.

Нуфузли мусобақада 77 килограмм вазн тоифасида қатнашган Осиё чемпиони Улуғбек Алимов штангани силтаб кўтаришда 197 килограмм натижа қайд этиб, кумуш медалга, иккикураш бўйича 355 килограмм кўрсаткич билан бронза медалга сазовор бўлди.

Оғир атлетикачиларимизнинг бу улкан муваффақияти юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлод камолга етаётганини яна бир карра намоён этди.

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдонларда эришаётган ғалабалари аввало мустақиллигимиз, Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги самараларидир.

– Ватани шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг муқаддас бурчидир, – дейди жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Руслан Нурудинов. – Биз мусобақаларда халқимиз ва Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигини ҳис қилиб турамиз. Бу туйғу бизни Ватан олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда куч-ғайрат бахш этади. Насиб қилса, 2016 йили Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида ҳам олтин медаль учун курашамиз.

– Жаҳон чемпионати шоҳсупасига кўтарилишни болалигимдан орзу қилардим, – дейди Улуғбек Алимов. – Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бу орзум ушалмоқда. Бизнинг ғалабамиз – бутун халқимизнинг ютуғи. Камтарона меҳнатимизни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимиздан миннатдормиз.

– Ўзбек спортчиларининг жаҳон майдонларида юксак натижаларга эришаётгани аввало мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлиги туфайлидир, – дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Шаҳрулло Маҳмудов. – Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун қулай шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бунинг самарасида қитъа ва жаҳон биринчиликларида муносиб иштирок этаётган спортчиларимизнинг сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

ДАВОЛАНИШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР

Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги бевосита аҳолининг соғлиғига боғлиқ, чунки айнан соғлом одамлар ҳар томонлама юксак жамиятни яратишга қодир. Юртимизда кейинги йилларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш борасида жуда катта ишлар амалга ошириб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида эндокринология соҳасининг бугунги ҳолати ва ютуқлари, қандли диабет касаллигининг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда тиббиёт соҳаси вакиллари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С. Исмоилов ва бошқалар бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида тиббиётнинг барча йўналишлари қатори эндокринология соҳаси ҳам такомиллашиб бораётганини таъкидлади.

Бугунги кунда қандли диабет билан оғриган беморларга даволаш ва ташхис қўйиш учун 14 та эндокринологик диспансерлар самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шулардан 176 таси болалар учун мўлжалланган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ушбу тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш борасида кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий профилактика, диагностика ва даволаш хизматларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Дунёда 366 миллиондан ортиқроқ инсонлар қандли диабет хасталигидан азият чекмоқда. Ўз вақтида самарали чоралар кўрилмаса, келгусида бу хасталик авж олиб жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказиши мумкин.

Шу сабаб сайёрамизда 14 ноябрь Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни сифатида кенг нишонланади.

— Диабет ойлигини ўтказишдан мақсад инсонларга қандли диабет, унинг хавфли омиллари, эрта ташхис қўйиш асоратларининг олдини олиш ҳақида кўпроқ маълумот бериш, хулоса қилиб айтадиган бўлсак диабетга қарши курашга чорлашдан иборатдир, — дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология маркази директори Саид Исмоилов. — Олимларимиз ва шифокорларимиз мазкур хасталикни даволашнинг замонавий усулларини ўзлаштириш ва ундан амалда фойдаланиш юзасидан изланишлар олиб бормоқдалар. Уларга дунё стандартларига жавоб берадиган тиббий ускуналар асосида тез ва сифатли хизмат кўрсатиш ишлари самарали олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон эндокринологлар уюшмаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида қандли диабетнинг олдини олишга қаратилган ойликлар уюштириш анъанага айланган. Жорий йилнинг биринчи ноябридан биринчи декабрига қадар диабетга қарши кураш ойлиги ўтказилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил маълумот олдилар.

Гулчеҳра САТТОР қизи

Жорий йилнинг 26-30 октябрь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги «Параосиё ўйинлари – 2013» мусобақаларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келди.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 24-тур баҳслари пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган командаларга муҳим очколарни туҳфа этди.

Жорий йилнинг мавсумида турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган амалдаги Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдкор» ушбу турда мезбон сифатида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси билан куч синашди. Майдонда тўлиқ ташаббусга эга бўлган Миржалол Қосимов шогирдларига зарафшонлик рақибларини йирик 4:0 ҳисобида енгиш қийинчилик туғдирмади.

Ушбу мавсумда чемпион бўлишга ахд қилган «Локомотив» Ғузорда «Шўртан» меҳмони бўлди ва мезбонлар дарвозасига 90 дақиқа мобайнида тўртта гол киритиб, учрашувнинг 4:0 ҳисобида ғалаба билан якунланишини таъминлади.

Шунингдек, амалдаги чемпион «Пахтакор» сафарда «Нефтчи» билан ўзаро беллашди. Аввалларн ушбу икки жамоа ўртасидаги беллашув муросасиз курашлар остида ўтарди. Лекин кейинги йилларда фарғоналик чарм тўп усталари ўз имкониятлари даражасида ўйнай олмаяптилар. Хуллас, бу баҳсда, Мурод Исмоилов шогирдлари ҳар жабҳада устунлик қилишди ва мезбонларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Динамо» — «Металлург» — 0:1, «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» — 3:1, «Бухоро» — «Насаф» — 1:5, «Олмалиқ» — «Гулистон» — 5:3.

ТОШКЕНТЛИК ФАХРИЙЛАР — ҒОЛИБ

Фахрийлар ўртасида футбол бўйича уюштирилган Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги турнири якунланди.

Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар жамоалари иштирок этган турнирнинг финалда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси фахрийлари ҳамда Андижон вилояти фахрийлар жамоаси ўзаро куч синашишди. Қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсда тошкентлик фахрий футболчилар 3:0 ҳисобида зафар қучишди.

Мусобақанинг бронза медаллари Бухоро вилояти жамоасига насиб этди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндор жамоаларга эсдалик совғалари топширилди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Ноябрь ойининг иккинчи ярмида трамполин бўйича 13-14, 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашишга ахд қилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини Тошкентда ўтказишмоқда.

Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан ёш трамполинчиларимизга жаҳон чемпионатида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

КУТУБХОНАДА ШАХМАТ ТУРНИРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «INFOLIB UZBEKISTAN — 2013» II миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида болалар ўртасида шахмат турнири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Шахмат федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу турнирда 22 нафар ёш шахматчилар иштирок этди. Иштирокчилар орасида ҳаваскорлар билан бир қаторда шахмат бўйича шаҳар, республика чемпионлари ва ҳатто, Осиё мусобақалари совриндорлари борлиги диққатга сазовор. 8 ёшгача қизлар ўртасида ўтказилган Республика шахмат чемпионатида биринчиликни қўлга киритган Лобар Раҳматжонова ҳамда Осиё мусобақалари совриндори Дилбар Ҳамраева бунга яққол мисолдир. Шунингдек, турнирда пойтахтимиздаги 66 ҳамда 100-махсус мактабларнинг ўқувчилари ҳам қатнашди.

Етти турдан иборат бўлган мазкур турнир ўзига хос қизғин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда кечди. Якуний натижаларга кўра, Фарҳод Тоҳиров 6,5 очко ҳисобида 1-ўринни эгаллаган бўлса, Илҳом Ниғматжонов ҳамда Сухроб Авалбоев иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди. Ғолиблар кутубхона ва федерация томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Турнирнинг қолган иштирокчилари ҳам совғалардан бебаҳра қолмади. Уларга қизиқарли китоблар жамланмаси топширилди. Мухтасар қилиб айтганда, ёш спортчи ўғил-қизларнинг таассуроти ва тажрибалари янада бойиди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Саноат корхонаси ишлаб чиқариш жараёнида тажрибаси бўлган

— 4-6 тоифали электр монтажчилар;
— 4-6 тоифали электрикларни доимий ишга қабул қилади.

Иш ҳақи 2 миллион сўм ва ундан юқори.



Корхона ишчиларни хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади.

Мулоқот учун телефонлар: (90)352-36-05, (90)982-56-44, (93)172-44-07, (90)167-17-58

«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 14.06.2013 й.даги 1-2353/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 40 000 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 7-даҳаси, 38-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 58,52 кв.м., яшаш майдони 46,46 кв.м бўлган 3 хонали 37-хонадон.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 3 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога такроран Тошкент шаҳри Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Камаз-53212» русумли, д/р 10AZ071 бўлган, 1988 йилда и/ч, «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.08.2009й №1-504/09. Бошланғич баҳоси – 5 846 576 сўм; 2. «Маз-35337» русумли, д/р 11G82-11 бўлган, 1991 йилда и/ч, «61800-Н» сонли ҳарбий қисмда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.06.2010й №20. Бошланғич баҳоси – 13 622 658 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 26 ноябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 22 ноябрь куни соат 18:00. Автотранспорт билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. Изоҳ: и/ч – ишлаб чиқарилган, д/р – давлат рақами. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 6 ноябрь куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 14-16 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тамомиқдори паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1141

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8594 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 13.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ